**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING**

# Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021 -yil “ 1 ” март Қ-305 -son Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги “Ўн мўжиза” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ихтиёрида бўлган ерларни қисман туман ҳокимлиги захира ер майдонига олиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг IV-боб, 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг VI-боб, 32-моддасига, тумандаги “Ўн мўжиза” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи Б.Самадовнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. “Ўн мўжиза” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи Б.Самадовнинг туман ҳокими номига ёзган аризаси қаноатлантирилсин.

2. Тумандаги “Ўн мўжиза” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг ихтиёрида бўлган “Ш.Мирзаев” массиви ҳудудида хўжалик харитасида 310қ, 312қ-дала контурлардан жойлашган жами 2,0 гектар, шундан 1,82 гектар узумзор, 0,18 гектар арик ер майдони туман ҳокимлиги захира ер майдонига қайтариб олинсин.

Бундан кейин “Ўн мўжиза” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг жами ер майдони 311, 312қ, 601-дала контурларидан жами 9,10 гектар, шундан 3,40 гектар боғ, 5,48 гектар узумзор, 0,02 гектар ариқ, 0,20 гектар йўл ер майдони этиб белгилансин.

3. Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга “Ўн мўжиза” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда туман ҳокимлиги захира ер майдони ҳисоботига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига ушбу захирага олинган 2,0 гектар ер майдонига танлов ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMLIGI DEVONXONA **Р.Гаппаров**

ASLIGA TO'G'RI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMLIGI
DEVONXONA MUDIRI

Қумқурғон тумани
ҳокими ўртоқ
Р. Ғаппаров номига
"Ўн мийза" ф. хўжа-
лиги раҳбари
Самадов Бахтиёр
томонидан

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURX... VILOYATI QUM... TUMANI "O'N MIYZA" FER... ...IGI
6 Ноябр 2020
№ 2

# Розилик хати

Ёзаман ушбу розилик хатини
шу мавзундаги менга қа-
бўлгон 310к-312 контур-
рақам 2.00 (икки) гектар боғзорни
даги
ўз ихтиёрим билан Шиянов
Янгибоғга қайтариб бериш-
га розиман деб
"Ўн мийза" ф/хўжалиги раҳбари
Самадов Бахтиёр.

6 Ноябр 2020й

QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMLIGI

| | |
|---|---|
| SAHIFALAR SONI | 1 |
| KIRISH № | 1273/01-20 |
| SANASI | 06.11.20 |

QUMQO'RG'ON TUMAN YER RESURSLARI VA DAVLAT KADASTRI BO'LIMI
KIRIM № 01-7/1216
SANA 26.11.20

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on tuman fermer, dehqon xo`jaliklari va tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox ko'chasi 3-uy

**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани,Ўзбекистон шох кўчаси 3- уй

**2020 йил "07"ноябр** **Қумқўрғон тумани** **№ 885**

**Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермерлар Кенгашининг "Ш.Мирзаев" ҳудудидаги "Ўн мўжизаси" боғдорчилик фермер хўжалигининг ер участкасини туман захирасига қисман қайтариш тўғрисидаги аризаси юзасидан туман фермерлар Кенгашининг**

## ХУЛОСАСИ

Қумқўрғон туман "**Ш.Мирзаев**" ҳудудидаги **"Ўн мўжизаси" пахта-ғаллачиликка ихтисослашган** фермер хўжалиги бошлиғи туман ҳокимига ариза билан мурожаат этиб, хўжаликга ижарага берилган ер участкасидан оқилона фойдаланиб, шу жумладан фермер хўжалигининг жами бўлиб **11,0** гектар ер майдонидан **2,0 гектар** ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига олишни ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасига тегишли ўзгартиришни сўраган.

Амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига кўра, туман ҳокими ариза тушгандан сўнг ҳужжатларни туман фермерлар кенгашига хулоса олиш учун тақдим этилган.

Фермерлар Кенгаши ариза ҳамда мазкур фермер хўжалиги тўғрисида маълумотлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

## АНИҚЛАДИ:

Фермер хўжалигига **11,0** гектар ер майдони боғдорчилик ихтисослашуви бўйича ажратилган ва туман ҳокимлиги ҳамда фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси тузилган.

"**Ш.Мирзаев**" ҳудудидаги **"Ўн мўжизаси" пахта-ғаллачиликка ихтисослашган** фермер хўжалиги ҳозирги кундаги фаолият юритиб келмоқда,боғдорчилик фермер хўжалиги аризасини инобатга олиб, фермер хўжалигининг ер шароитлари ўрганилганлиги,янги иш ўринлар яратиш мақсадида,унинг молиявий ҳолатини ҳисобга олиб ҳамда кенгаш аъзоларининг фикрларидан келиб чиқиб келгусида иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида ариза юзасидан ижобий хулоса бериш **лозим деб топилсин**.

Юқоридагилар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон, 2013 йил 31 январдаги 22-сонли "Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида"ги қарорларига асосан туман фермерлар Кенгаши,

## ХУЛОСА ҚИЛАДИ

"**Ш.Мирзаев**" ҳудудидаги **"Ўн мўжизаси" боғдорчиликка ихтисослашган** фермер хўжалигининг ер участкасининг аризадаги **2,0 гектар сувли ер** майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш **мақсадга мувофиқ.**

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман "Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси"га кўриб чиқиш учун юборилсин.

**Қумқўрғон туман фермер,деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси :** **А.Самадов**

**1273/01-20**
**06.11.2020 й**

| Т.р | Ф/Х ва бошқа К/Х корхоналари номи | Контур рақамлари | Жами майдон | Хайдаладиган ерлар | | | | | | Боғлар | | Узумзорла | | Тутзорлар | Мевали кўчатзорлар | Бўз ерлар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | суғориладиган | Шундан мелиоратив холати ёмон ерлар | лалми | пахта | ғалла | қисқарган | суғориладиган | лалми | суғориладиган | лалми | | | Суғориладиган | лалми |
| 10 | Ун мужиза | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | 310к | 1,12 | | | | | | 1,12 | | | 1,12 | | | | | |
| | | 312к | 0,88 | | | | | | | | | 0,70 | | | | | |
| | | **Жами** | **2,00** | 0,00 | 0,00 | 0,00 | 0 | 0,00 | **1,12** | 0 | 0,00 | **1,82** | 0,00 | 0 | 0,00 | 0,00 | 0 |

ZBEKISTON RESPUBLIKASI
URXONDARYO VILOYATI
QUMQO`RG`ON TUMANI
HOKIMINING
**Q A R O R I**

**РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН**
**СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**
# РЕШЕНИЕ
**ХОКИМА**
**КУМКУРГАНСКОГО РАЙОНА**

190900, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy, tel.: 0(376)46-52-511, fax: 0(376)46-52-511

20 19 yil “12” февраль К- 801 - sonli

**Тумандаги “Ўн мўъжиза” номли боғ-узумчиликга ихтисослашган фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерлардан самарали фойдаланишга доир қўшича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14-сон қарорига мувофиқ, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси хулосаси, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2019 йил 30 январдаги 614-сон хулосасига биноан Халқ депутатлари Қумқўрғон туман Кенгаши сесиясининг 2019 йил 8 февралдаги 185/44-5-сон қарорига ҳамда “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Қумқўрғон туман Кенгаши сесиясининг 2019 йил 8 февралдаги “Ўн мўъжиза” номли боғ-узумчиликга ихтисослашган фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиш бўйича 185/44-5-сон қарори маълумот ва ижро қабул қилинсин.

Тумандаги “Ўн мўъжиза” боғ узумчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги раҳбари томонидан туман ҳокимлигига ёзган аризаси қаноатлантирилсин.

2. Тумандаги “Ўн мўъжиза” номли боғ-узумчиликга ихтисослашган фермер хўжалигига туман захирасидаги “Ш.Мирзаев” массиви қишлоқ хўжалик харитасининг 310қ, 311, 312-дала контурларидан ва “Қумқўрғон” массиви қишлоқ хўжалиги харитасининг 601-дала контуридан қўшимча жами 7,70 гектар, шундан 3,40 гектар боғ, 4,10 гектар токзор, 0,10 гектар ариқ, 0,10 гектар йўл ер майдони ажратиб берилсин.

Бундан кейин “Ўн мўъжиза” номли боғ-узумчиликга ихтисослашган фермер хўжалигининг умумий ер майдони 310қ, 311, 312, 601-дала контурларидан жами 11,10 гектар, шундан 3,40 гектар боғ, 7,30 гектар токзор, 0,20 гектар ариқ, 0,20 гектар йўл ер майдони этиб белгилансин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Эсанов 5 кун муддат ичида туман ер хисоботига ўзгартириш киритиш ҳамда “Ўн мўъжиза” номли боғ-узумчиликга ихтисослашган фермер хўжалиги билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини қайта расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими (А.Мирзаев), туман Давлат солиқ инспексияс (К.Рахмонов), “Агробанк” туман филиали (А.Жумаев), Термиз нефтбаза МЧЖ Қумқўрғо филиали (Ф.Туропов), “Шўрчи дон” корхонаси (Т.Собиров), “Қумқўрғон пахта тозалаш корхонаси (П.Суяров), “Агрокимёхимоя” АЖ туман филиали (Э.Ишниёзов), тума “Агросервис МТП” МЧЖ туман филиали (Шерданақулов), “Агролизинг” АЖ вилоя бўлими (Р.Муродов):